

Халқ сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 24 март, № 58 (5478)

Шанба

ЭЗГУЛИК АЙЁМИНИНГ БЕТАКРОР ЖОЗИБАСИ

Кўклам нафаси уфуриб, ён-атроф кун сайин чирой очиб бораётган шу мунаввар кунларда барчамиз Наврўзи оламни кўтаринкилик билан кутиб олдик. Азалий қадриятларимизни ўзида мужассам этган бу кутлуғ айём шуқуҳи юртимизнинг барча гўшалари — шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда катта шодиёна билан нишонланмоқда. Байрам арафасида янги-янги иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши эса халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятидан далолатдир.

Суруп

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида Наврўз айёми ҳар соҳада салмоқли ютуқлар билан кутиб олинди. Устуртда Сургил қони негизда умумий баҳоси 3 миллиард 500 миллион АҚШ долларига тенг, йилга 4 миллиард кубометр газни қайта ишловчи йирик мажмуа қурилиши бошлаб юборилди. Ушбу лойиҳа тўлиқ амалга оширилгач, йилга 400 минг тонна полипропилен ишлаб чиқарилади ва 5 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Наврўз байрами баҳонасида хомийлар кўмагида кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларнинг ўй-жойлари таъмирланиб, 2 мингдан зиёд юртдошларимиз меҳр-муруват ва хайр-саховатдан баҳраманд бўлишди. Бегуний туманидаги Наврўз маҳалласида тadbиркор Ш. Маткаримов ташаббуси билан замонавий тўйхона фойдаланишга топширилди.

Янгилиниш байрами Орол бўйидаги шаҳар ва туманларда, олис қишлоқларда ҳам кенг нишонланмоқда.

Андижон вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида бу галги Наврўзи олам ўзгача соғинч ва интиқлик билан кутиб олинди. Хўжабод, Андижон, Қўрғонтепа туманлари, Қорасув ва Хонобод шаҳарларида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бободехқонлар кутлуғ айёми қадрдон далалар, бог-роғлар бағрида



қарши олдилар. Маҳаллаларда сумалак, кўксомса ва турли баҳор таомлари пиширилиб, дастурхонларга тортилди. Байрамнинг асосий тантаалари Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Фольклор-этнографик жамоалар томонидан тайёрланган Наврўз ҳазиллари, халқимизнинг миллий ўйинлари, айтишув ва лапарлар, қадимий урф-одатлар ва аънаналари ўзида акс эттирган саҳна кўринишлари барчанинг кўнглини шод этди.

Бухорода ҳам яшариш ва янгилиниш айёми — Наврўз зўр шод-хуррамлик билан қарши олинди. Жондор туманида кураш ўтказилди. Полонлар даврани кенг олишди. Олот, Қорақўл, Ғиждувон туманларида халқ миллий ўйинлари бўйича мусобақалар, Когон, Бухоро шаҳарларида хунармандлар кўргазмалари, "Устоз — шогирд" учрашувлари ташкил этилди. Байрамнинг асосий тантанаси эса, аъналага мувофиқ, Юртбошимиз ташаббуси билан барпо қилинган "Кўҳна ва боқий Бу-

хоро" маданий марказида бўлиб ўтди. Бу ерда вилоят бадиий жамоалари томонидан тайёрланган байрам томошаси намойиш этилди. Баҳор, меҳнат, тинчлик, мустақиллик мадҳ этилган куй-қўшиқлар, қадимий урф-одатлар, аънаналарнинг саҳнавий кўринишлари, спортчилар ҳамда болажонларнинг чиқишлари, миллий ўйинлар — буларнинг бари Наврўз тантанасига ўзгача кўрк ва шуқуҳ бағишлади. Миллий-маданий марказларнинг кўргазмалари, юрт, баҳор мадҳ этилган

қўшиқлар тараннуми Наврўз дўстлик, ахиллик, эзгулик байрами эканини, унинг илдизлари юракка туташлигини яна бир қарра ёдга солди. Қашқадарё вилоятида Наврўзга бағишланган асосий байрам тadbирлари Қарши шаҳридаги Амфитеатрда бўлиб ўтди. Бу ер Наврўз ва баҳорни улғулловчи тасвирлар, паннолар, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларни ифодаловчи байрамона шiorлар билан безатилди.

(Давами 2-бетда).

Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



Тошкент

Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Болажонлар — ширинтойлар — 2012» болалар мода фестивалининг якуний намойиши бўлиб ўтди.

Кўркам либослар — болажонларга

Мазкур анъанавий тadbир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Осиё рами» дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Фестивалда таниқли ижодкорлар билан бир қаторда ёш модельерлар, «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказлари ҳамда юртимиздаги қатор мода мактаблари вакиллари ишлари ҳам намойиш этилганли-

ги эътиборлидир. Бинобарин, тadbирда бу гал 43 нафар модельер-дизайнернинг эскиз ва тўпламлари санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди. Мазкур ижод намуналари миллий ва спорт услубида, шунингдек, авангард йўналишида ишланган бўлиб, энг сара асарлар муаллифлари махсус номинация бўйича тақдирландилар.

(Давами 2-бетда).

Навоий

Навоий вилоятининг туман ва шаҳарларида Наврўз шуқуҳи кезиб юрган айни паллада кўплай ижтимоий объектлар, янги тураржой бинолари фойдаланишга топширилмоқда.

Янги уйда шодиёна

Зарафшон шаҳридаги «Юлдуз» маҳалласида 24 хонадонга мўлжаллаб барпо этилган кўп қаватли тураржой биноси шуларнинг бири. Марказий қон бошқармасида меҳнат қилаётган ёш оилалар янгилиниш ва яшариш айёмини ана шу янги уйларда нишонладилар.

А. ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро

Наврўз байрами арафасида Бухоро, Жондор, Қорақўл, Олот туманларида яшовчи аҳоли учун «Бухоро — Хўжадавлат» йўналишидаги шаҳарлараро поезд қатнови йўлга қўйилди.

Поезд қатнови йўлга қўйилди

Темир йўл транспорти хизмати қулайлиги ҳамда арзонлиги билан йўловчиларга манзур бўлмоқда. Шунингдек, Олот темир йўл

бекати ҳам замон талабларига мос тарзда реконструкция қилинди.

И. БРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё

Наврўз умумхалқ байрами арафасида Термиз шаҳридаги кўп тармоқли тиббиёт марказининг барча қулайликларга эга бўлган замонавий жарроҳлик мажмуаси ишга туширилди.

Замонавий жарроҳлик мажмуаси

Бу ерда 4,2 миллиард сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Айни пайтда шифо масканида урология, абдоминал ва таракал жарроҳлик бўлими ишлаб турибди. Барча замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган ушбу мажмуада фаолият юритаётган шифокорларнинг малакаси қайта оширилди.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хоразм

Урганч туманилик тadbиркор Умрбек Қаландаров савий-ҳаракати билан Файбу қишлоғида мебель ишлаб чиқарилмоқда.

Тadbиркор ташаббуси

Бунинг учун банкнинг 265 миллион сўмлик кредити эвазига хориждан ёғоч ва металлга ишловчи дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Ҳозир бу ерда 7 турдаги меҳмонхона ва ошона жиҳозлари тайёрланмоқда.

Туманда 2011 йилда шу каби тadbиркорлик субъектларини очиб ҳамда мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш ҳисобига 6 мингтага яқин иш ўринлари яратилди.

О. РАХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шуқуҳ

Бугун юртимиз узра Наврўз шуқуҳи кезиб юрибди. Мамлакатимизнинг шаҳар қишлоқларида бу қадимий байрам зўр шоду хуррамликда нишонланмоқда. Одамларнинг тилларида, дилларида Наврўз сурури. Буни тахририятимизга бўлаётган кўнгириклардан, юртдошларимиз йўллаётган дил ихорларидан ҳам илгаш мумкин. Зеро, Президентимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек, «шу мунаввар дамларда халқимизнинг барча орзу-умидлари, қалби ва вужуди Наврўз руҳи ва ғояларига ҳамоҳанг, уйғун ва муштарак бўлиб ривож топаётганига она-юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор иқроор бўлади».

АХИЛЛИК ВА БИРДАМЛИК ТУЙҒУЛАРИ МУЖАССАМ

Абдимурод МУХТОРОВ, Кумкўрғон туманидаги Тўхтамиш Мукимов номидаги маҳалла раиси:

— Президентимизнинг тантанали маросимдаги табрик сўзини эшитиб, қалбимиз фахр-ифтихорга тўлди. Унда айтилганидек, Наврўз айёми кунларида одамлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва муруват, кексаларнинг дуосини олиш, кўнгли ярим, етим-есирларнинг бошини оилаш, ногирон ва муҳтож оилаларга беминнат ёрдам бериш каби халқимизга хос ажойиб фазилат ҳамда савобли ишлар ҳар қайси маҳалла ва гўшада ўз аксини топмоқда.

Хусусан, бизнинг маҳаллада ҳам бу йилги Наврўз ўзгача хурсандчилик билан кутиб олинди. Байрам арафасида қишлоқ йўллари таъмирланиб, 3 километр масофага тош-шағал ётқизилди. Кўчалар атрофида минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Маҳалладаги

«Саодат» ва «Саидий» фермер хўжаликлари уюштирган катта кураш мусобақаси қайта қайта фаёз бағишлади. Фаолларимиз ташаббуси билан 12-умумтаълим мактабининг янги биносига ўтказилган сумалак сайли қиз-жувонлар, ёш-яланглар билан гавжум бўлди. Шунингдек, байрам кунини 53 та кам таъминланган оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундан кўринадики, Наврўз одамлар қалбида яшамоқ ва яратмоқ ҳиссини уйғотиб, ахиллик ва бирдамлик туйғуларини мустаҳкамламоқда.

Шарипбой РАЖАБОВ, Богот туманидаги «Богот» фермер хўжалиғи раҳбари, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби:

— Деҳқон борки, табиат уйғонаётган палла, яъни Наврўз байрами кунини дала бошида режалар тузади. Яъни ният билан экин-тикин ишларига киришади. Бу йил кўклам кутли келди. Ёгингарчилик мўл бўлаётгани туфай-

ли кўзда экан эканларимиз тобора кучга тўлиб, бўй чўзаяпти.

Жорий йил ҳосили учун 76 гектар майдонда галла парваришляялмиш. Чигит қадаш учун эса 100 гектар майдон ҳозирланмоқда. Жамоамиз ҳосилдорлигини пахтада 42, галлада 50 центнердан ошириш ниятида янги мавсумни бошладилар.

Байрам кунлари хайр-саховат кўрсатиб, элнинг дуосини олиш пайида бўлди. Ўтган йилги даромадимиздан болалар спортини ривожлантириш тadbирларига 1 миллион сўм ажратдик. 14 та кам таъминланган оилага эса моддий ёрдам кўрсатиб, байрам совғалари улашилди. Шунингдек, хўжалигимиз хомийлигида бир нафар кичкинтойнинг хатна тўйи ўтказилди.

Айниқса, дала шийпонида ташкил этилган сумалак сайли ҳақиқий шодиёнага айланди. Ҳамма дошқозон атрофида тўпланиб, ҳосил мўл, дастурхонимиз тўкин бўлишини сўраб дуо қилди.

(Давами 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2012 йил 23 март кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси очилди. Унда ялпи мажлисга таклиф этилган Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Сенаторлар «Давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги тантанали тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунини кўриб чиқиб, маъқулладилар.

Конституциявий Қонунни муҳокама қилиш жараёнида унинг қабул қилиниши Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президентини, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг навбатдаги сайловларини тайёрлаш ва ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг принциплари ва талабларига, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шунингдек, халқроқ ҳуқуқнинг умумқабул қилинган принциплари ва нормаларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш кўрсатиб ўтилди.

Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши сайловларни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида давлат ҳокимияти тизимининг мустаҳкамлиги, барқарор-

лиги кафолатларини таъминлаш ва кучайтиришга, мамлакатда демократик ислохотларни чуқурлаштиришга, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ёрдам бериши таъкидланди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўша мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш амалга ошириш доирасида тайёрланган қонунларни ҳам кўриб чиқиб, маъқулладилар.

(Давами 2-бетда).

Истеъдод кўрикда тобланади

Хусусий тadbиркорлик, фермерлик ҳаракати ва халқ хунармандчилиги истиқлол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётининг таркибий бўғинлари сифатида шаклланди. Президентимиз томонидан жорий қилинган «Ташаббус» кўрик-танловининг босқичма-босқич ўтказилиши эса бу жараёнга ижобий таъсир кўрсатмоқда. «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг вилоят босқичлари иштирокчилари фаолияти билан танишган киши бунга яна бир қарра амин бўлади.

СИРДАРЁ. Гулистон шаҳридаги «Алломиш» спорт мажмуасида ўтказилган «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг вилоят босқичида туманлар ва шаҳарлар миқёсида голиб бўлган ўттиздан ортиқ тadbиркорлик субъектлари иштирок этди. Уларнинг барчаси ўзининг ташаббускорлиги, ишбилармон-

лиги ва ишлаб чиқаришга янги инновацион ғояларни жадал татбиқ этаётгани билан эътиборга моликдир. Натигада кичик бизнес-намуналарнинг ривожланишига ёрдам бериши таъкидланди. Бу импорт лотидаги улуши йил сайин ошиб, 2011 йилда 79,8 фоизни ташкил қилди. Тadbиркорларнинг инвестициявий лойиҳаларини муваффақиятли амалга

оширишида тижорат банкларининг ҳам кўмаги катта бўлмоқда. Сабаби, биргина ўтган йили уларга 103,2 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Бу импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш имкониятини яратди.

(Давами 2-бетда).

«Ташаббус — 2012»

ЭЗГУЛИК АЙЁМИНИНГ БЕТАКРОР ЖОЗИБАСИ

Карнай-сурнай садолари гулистонликларни ва меҳмонларни Марказий стадионга чорлади. Бу ерда Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб театрлаштирилган адабий мусиқали дастур намойиш этилди. Наврўз байрами кунлари вилоятда 49 объект, шу жумладан, 25 савдо дўкони, 5 та маиший хизмат шохбаси, 2 та тўйхона, битта спорт комплекси ва 16 та бошқа йўналишдаги шохбаслар фойдаланишга топширилди.

Айтиш керакки, вилоят шаҳар ва қишлоқларига фойзбўлиқ бағишлаган Наврўз шукҳи барча хонадонларга шодибонлик, қувонч олиб кирди. Янги кунни муносиб нишонлашга бағишланган маросимларда тўкин дастурхон ёзилиб, маҳаллаларда баҳорнинг суюкли таоми — сумаллак қайнатилди. Маҳаллий ҳокимликлар, меҳнат жамоалари, маҳалла фуқаролари йиғинларининг вакиллари якка-ёлғиз яшаётган, шунингдек, ижтимоий химояга муҳтож фуқаролар хонадонига байрам тўғралари билан қириб боришди.

Хоразмликлар бу айёми ҳар йили бунёдкорлик борасида улкан ютуқ-

дан, Уйчи туманининг Қаҳрамон маҳалласида дорихона, Нориннинг Ўзбекистон ва Думар маҳалларида саломатлик маркази ҳамда савдо мажмуалари фойдаланишга топширилди.

Айтиш керакки, вилоят шаҳар ва қишлоқларига фойзбўлиқ бағишлаган Наврўз шукҳи барча хонадонларга шодибонлик, қувонч олиб кирди. Янги кунни муносиб нишонлашга бағишланган маросимларда тўкин дастурхон ёзилиб, маҳаллаларда баҳорнинг суюкли таоми — сумаллак қайнатилди. Маҳаллий ҳокимликлар, меҳнат жамоалари, маҳалла фуқаролари йиғинларининг вакиллари якка-ёлғиз яшаётган, шунингдек, ижтимоий химояга муҳтож фуқаролар хонадонига байрам тўғралари билан қириб боришди.

Урганч шаҳридаги "Авесто" боғ-мажмуасида бўлиб ўтган асосий байрам дас-

тури халқимизнинг бой маънавий дунёси тўлалигича акс этгани билан хоразмликлар учун унутилмас бўлди. Сумаллак сайиллари, миллий ўйинлар, спорт мусобақалари, баҳорги таомлар кўрик-танловлари, тадбиркорлар ва хунармандларнинг кўргазмалари ташкил этилгани байрамга ўзгача ёлғиз бағишлади.

Қадимий ва ҳамisha навқирон **Самарқанд** ҳам Наврўз байрами тантаналари шоду хуррамлик ила кенг нишонланди. Шаҳардаги "Муъжиза" амфитеатрига вилоятдаги корхона ва ташкилотлардан меҳнатчилорлари, фаол ташкилотчилар, нуруний оқсоқоллар, ўзгача ёлғиз бағишлади. Театрлаштирилган концерт дастурида она-Ватанни, тинчликни, дўстликни улуғловчи, Наврўзни, муҳаббатни, баҳорни мадҳ қилувчи куй-қўшиқлар янгради, дилрабо рақслар ижро этилди. Айниқса, фольклор-этнография гуруҳлар томонидан халқ оғзаки ижодидан намуналар — лапар ва ўллар айтилгани, қадимий урф-одатларимизни талқин қилувчи саҳна кўринишлари намойиш этилганлиги барча-барчани хушнуд қилди.

Шу кунда Самарқанд шаҳрининг Университет хибониди, бир қатор истироҳат боғларида сайиллар ташкил этилди. Янгидан қурилган маиший хизмат кўрсатиш шохбаслари, савдо дўконлари ва бошқа қурилиш объектларининг тантанали очилиш маросимлари бўлиб ўтди.

Дошқозонларда сумаллак тайёрлаб тарқатилди. Турли баҳорий таомлар танлови ташкил этилиб, голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

фермер ва хунарманд тўрт юздан зиёд ишлаб чиқариш ва мингдан зиёд хунармандчилик маҳсулотлари билан қатнашди.

Кўрик-танловда "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича Самарқанд шаҳридаги "Агро-Враг" масъулият чекланган жамияти раҳбари Сирожидин Бердиев, "Энг яхши фермер" номинациясида Тойлок туманидаги "Сибё — Шавкат — Орзу" фермер хўжалиги

улуши 74,3 фоизни ташкил этган, яратилган ҳар тўрт иш ўрнининг учтаси шу соҳага тўғри келгани, биргина хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 3232 янги иш ўрни очилгани мазкур соҳанинг иқтисодийми ривожидидаги ҳиссаси беқиеълигидан ёрқин далолатдир. Шунингдек, фермер хўжалиқлари ҳам пахта ва галладан мўл ҳосил олиш баҳорларида, хорж уқсуналари

ни харид қилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни, уларни экспорт қилишни йўлга қўймоқда.

"Ташаббус — 2012" кўрик-танловининг вилоят босқичи ҳар қачонгидан ҳаяжонли ва мазмунли кечди. Танловда 40 дан зиёд тадбиркорлик субъекти, фермер хўжалиқлари ва хунармандлар иштирок этди. Унда "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича Деновдаги "Само — Юлдуз — Денов" савдо-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Усмонали Абдувоҳидов, "Энг яхши фермер" номинацияси бўйича Жарқўрғон туманидаги "Искандар — Исроиҳ" фермер хўжалиги раҳбари Омон Аҳадов, "Энг яхши хунарманд" номинацияси бўйича эса Термиз туманидаги кўча тартибдаги тадбиркор Алия Йомбердиева голиб бўлдилар. Улар танловнинг республика босқичида вилоят шарафини химоя қиладилар.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АҲИЛЛИК ВА БИРДАМЛИК ТҮЙҒУЛАРИ МУЖАССАМ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Исломбек КҮТБИДИНОВ, Наманган туманидаги "Водий ёғоч текстиль савдо" хусусий корхонаси раҳбари:

— Президентимиз байрам табригида ёшларга қарата "Шу азиз ва муқаддас Ватанимиз сизларга, сизларнинг ҳар бирингизга ишоноди" деган сўзлари биз, ёш авлодга янада куч-қувват бағишлади. Айни чоғда зиммамизга бу юксак ишончни оқлашдек масъулият ҳам юклатди.

Мамакатимизда ёшларнинг ўз иқтидорини тўлиқ юзага чиқариши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Бундан оқилона фойдаланиб, 21 ёшда тадбиркор сифатида элга танилдим.

Дастлаб 7 киши билан иш бошлаган корхонамизда, асосан, ёғоч ишлов бериш ва қорва-чилик билан шуғулланардик. 2010 йилга келиб, фаолиятимизда тўб бурилиш ясадик. Шу йили 120 миллион сўм инвестиция киритиб, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Хозирги кунда тикувчилик цехимизда кунига 1800 дона, 15 турдаги кийим-кечак тайёрланапти. Маҳсулотимизнинг сифати юқори бўлгани боис ташқи бозорда талаб тобора ортиб борапти. Масалан, ўтган йили 361,2 минг АҚШ долларлик экспорт амалиётини бажардик.

Корхонамизда бугунги кунда 33 киши меҳнат қилаётган бўлса, шундан 20 нафари касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшлардир. Улар "Устоз — шогирд" йўналишида хунар ўрганиб, хоржий уқсуналари бемалол бошқаришапти. Жамоамиз жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми янада ошириш, иқтисодийми ривожига муносиб ҳисса қўшиш ниятида гайрат-шижоат кўрсатишмоқда.

Истеъдод кўрикда тобланади

раиси Бахтиёр Маърупов, "Энг яхши хунарманд" номинациясида иштирокчи Раҳима Ҳақимова голиб деб топилди.

Шунингдек, танловда "Энг яхши ёш тадбиркор", "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Ешларга иш берган энг яхши тадбиркор", "Энг яхши оилавий бизнес", "Устоз — шогирд мактабини ташкил этган энг яхши хунарманд" каби саккизта йўналишда ҳам совриндорлар аниқланди.

Ҳали ва совриндорлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

М. ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРХОНДАРЁ. Бугунги кунда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотлари кичик бизнеснинг

Кўркам либослар — болажонларга

мизда "Педагогик грантлар дастури" лойиҳаси 2006 йилдан бунён ўтказиб келинмоқда. Мазкур танлов соҳа ходимларини рағбатлантириш ҳамда уларнинг касбий маҳоратини оширишга хизмат қилаётган. Шу боис лойиҳага қизиқиш билдира-

ётган ўқитувчилар ва илмий тадқиқотчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Масалан, танлов ўтказилган дастлабки йилда иштирокчилар сони 121 нафарни ташкил этган бўлса, бу йилги қатнашчилар 4170 кишидан иборат бўлди.

Лойиҳа ташкилотчиларининг қайд этишича, мазкур дастурнинг биринчи ва иккинчи йўналишлари голиблар — умумтаълим ҳамда ўрта махсус ўқув юрталарининг ўқитувчилари йил давомида ҳар ой моддий рағбатлантириб борилади. Учинчи йўналиш голиблари, яъни ўқув юрталарининг раҳбар ходимларига таълим соҳасидаги лойиҳаларни рағбатлантириш, ривожлантириш ва амалга ошириш учун бир маротабалик грант маблағи ажратилади.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

иждоқдор ва изланувчан ёшларимизнинг ноёб иқтидорини намён этишга, шунингдек, болалар либослари яратувчилар ҳамда етакчи ишлаб чиқарувчи компаниялар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга имконият яратди.

Дарҳақиқат, чинакам санъат байрами тусини олган мазкур тадбирда қўлпа энг номлар кашф қилинди, иждо оламига эндигина қадам қўйган истеъдод соҳиблари ангилки яратиш йўлидаги изланишлари маҳсулини намойиш этишди. Фестиваль уч босқичда ўтказилгани боис либослар эскизи нуфузли ҳакамлар ҳайъати жамоаси томонидан

синчиқлаб ўрганилди ва баҳолан берилди. Болалар мода фестивали яқунларига кўра, Камола Аҳмедова, Алишер Мирфаёзов ҳамда Дилфуза Саидмахмудова голиб деб топилди. Уларга ташкилотчиларнинг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. ... Шу кунда "Фонд Форум"нинг "Педагогик грантлар дастури" голибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда таълим соҳасидаги энг долзарб инновацион лойиҳалари билан иштирок этган 50 нафар голибга лойиҳа грантлари берилди. Маълумки, мамлакатимиз

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Саҳнада баҳор фасли, янгилини айёми, мустақилликни тараннум этувчи куй-қўшиқларга ҳамроҳ бўлган театрлаштирилган байрам томошалари намойиш қилинди. Тадбир иштирокчиларига маҳаллаларда тайёрланган сумаллак тарқатилди. Дошқозонлар атрофида баҳорни, соғиниб кутганимиз Наврўзни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Шу кунда вилоятнинг барча истироҳат боғлари, маҳаллаларда Наврўз таомлари тайёрланиб, сумаллак атрофида ҳар хил қадимий ўйинлар, лапар, ашула ва рақслар ижро этилди. Маҳаллалардаги тадбиркорлар, пазандаларнинг турли ширинликлар ва баҳорий таомлари кўргазмалари ўтказилди.

Мамлакатимизнинг барча гўшасида бўлгани каби **СУРХОНДАРЁ** вилоятда ҳам янгилини, меҳнат ва бунёдкорлик фасли — Наврўз тантаналари кенг нишонланмоқда. Ҳар бир маҳалла, гузарларда дошқозонлар осилиб, сумаллак пиширилди. Меҳр-оқибат ва бағрикенглик байрами кунларида етим-есирлар, кам таъминланган оилалар, беморлар ҳолидан хабар олиш сингари минг йиллик одатларга амал қилинди.

Сурхонга Наврўз келгани боғлардаги мевали дархатларнинг кўзини қувонтирувчи гулларидан ҳам сезиш мумкин. Янги кун, янгилини ва уйғониш байрами болаларнинг шўх-шодон ўйин-кулгиларида, адирлардаги тўп-тўп қизлар гурунгида кўзга ташланмоқда.

Термиз шаҳридаги Амфитеатр мажмуасида бўлиб ўтган байрам тадбирлари эсда қоладиган тарзда ўтганиги билан аҳамиятга эришди. Қўлларига бойчек тугган қизалоқларнинг даврага ташрифи кўнглиларга баҳорий кайфият улашди.

Сирдарёликлар ҳам баҳор байрамини юксак кўтаринкилик билан кутиб олди. Воҳанинг шаҳару қишлоқлари байрамона безатилди.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ҳакамлар иштирокчилар фаолиятини баҳолашда нафақат корхоналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари, балки ишлаб чиқаришда қўлга киритилган ютуқлари, ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминланганлик даражаси, экспорт амалиётлари, шунингдек, аҳоли бандлигидаги ҳиссаси каби омилларга алоҳида эътибор қаратишди. Пировадда Ховос туманидаги "Энерго Насл Чорва" масъулият чекланган жамияти раҳбари Ойбек Нурмухаммедов "Энг яхши тадбиркор", Боёвут туманидаги "Абдуҷаббор" фермер хўжалиги раиси Абдуҷаббор Каримов "Энг яхши фермер", Гулистон туманидаги Гулчехра Маматқуллова "Энг яхши хунарманд" деб топилди.

Ҳали ва совриндорлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Тадбирда вилоят ҳокими О. Ашурматов иштирок этди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

САМАРҚАНД. Шаҳардаги Ёшлар марказида "Ташаббус — 2012" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг шаҳар ва туманлар босқичларида голиб деб топилган 48 нафар тадбиркор,

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Навбатдаги болалар мода фестивали юртимизда Наврўз айёми кенг нишонланаётган шундай шукҳули кунларга тўғри келганлиги қувонарли бўлиб, — дейди "Осиё рамиз" дизайнерлари яратувчилар ушмаси раиси Холда Комилова. — Бу тадбир, шубҳасиз, иждоқдор ёшларимиз учун катта илҳом манбаи, ўзига ҳок маҳорат мактабидир. Фестивалнинг илмий форумида ёш дизайнерларимиз билан бир қаторда болалар кийимларини ишлаб чиқаришда маҳаллий хом ашё ва миллий матоладан кенг фойдаланишга оид изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар ҳам иштирок этиб, янгича гоё ва тақлифлар билдиришди. Энг муҳими, ишбу тадбир



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Булар орасида тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун мумкин қадар кўлай шароит яратиш, тадбиркорлик субъектларига зарур имтиёз ва кафолатларни бериш, шу жумладан бунда мазкур субъектларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида тайёрланган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бор. Хусусан, Қонуннинг асосий янгиликларидан бири тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи белгилаб қўйилганлигидан иборат бўлиб, бу принципга мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда қонун ҳужжатларида юзага келадиган, бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдаланиш ташкилини таъминлаш мақсадида қўйилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шундан кейин сенаторлар Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилдилар. Улар ушбу Қонун Мустаҳкам оила йилида қабул қилинаётганлиги алоҳида аҳамиятга эгаллигини қайд этиб, унинг қондалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг гоёт муҳим шакли сифатида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун норматив-ҳуқуқий база яратишнинг, оилавий корхоналар учун ҳуқуқий кафолатларни қучайтиришни, иқтисодийнинг турли соҳаларида оилавий бизнесни кенг ривожлантириш ҳамда мамлакатда янги иш ўринлари очиш учун зарур ҳуқуқий шароитларни таъминлашни таъкидладилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан тайёрланган «Сугурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриб чиқдилар. Ушбу Қонун сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, шу жумладан сугурта бозори профессионал иштирокчиларининг фаолиятини сугурта соҳасидаги жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда тартибга солиш ҳамда амалга ошириш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

«Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 477-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, баъзи қонун ҳужжатларининг қондаларини «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриб чиқдилар. Қонун одоб-ахлоққа қарши жиноятлар ва қонунбузарликлар учун жавобгарликни қучайтириш воситасида жиноят ва маъмурий қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга, эъравонликни, шафқатсизлик ва порнографияни тарғиб қилувчи хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган.

Сенаторлар «Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича Халли конвенциясига (Женева, 2003 йил 21 май) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳар томонлама муҳокама қилганларидан кейин маъқулладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 июлдаги «Хоржий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қондаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги қарорини ижро этиш юзасидан тайёрланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қўриб чиқилиб, маъқуллади. Сенаторлар ушбу Қонуннинг қабул қилиниши билан хоржий расмий ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш тартиби анча осонлаштирилиши кўрсатиб ўтилди. Легаллаштириш тартиб-таомили ўрнини бир давлатда яратишиб, бошқа давлатга топширилиши керак бўлган расмий ҳужжатларга қўйилмайдиган махсус штамплар — аполости олади.

Шу билан бирга, сенаторлар «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республи-

ликаси Қонуни рад этиш ҳамда қайта ишлашга юбориш ҳақида қарор қабул қилдилар. Хусусан, улар ушбу Қонунни давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йилнинг асосий яқунларига бағишланган Вазирилар Маҳкамасининг мажлисида Хукумат олдида қўйилган инвестиция фаолиятини такомиллаштириш бўйича устувор вазифаларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча равишда ва ҳисоботларни эшитишга қириндилар.

Сўнгра сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги масалани қўриб чиқдилар. Муҳокама яқунлари бўйича Олий Мажлис Сенати тегишли Қарор қабул қилди. Шундан кейин сенаторлар конституциявий ваколатларига мувофиқ бир қатор муассасалар, вазирликлар ва идораларнинг 2011 йилдаги фаолиятига доир ахборот ва ҳисоботларни эшитишга қириндилар.

Чўнончи, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини тинглаб, тасдиқладилар. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан парламент палаталарининг кўмиталари ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар билан ҳамкорликда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан парламент назоратини таъминлаш механизмининг такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан катта иш олиб борилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳисобот йилида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан 30 дан ортиқ қонун лойиҳаси миллий қонун ҳужжатларига, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқлиги жиҳатидан ҳуқуқий экспертиза қилинди. Давлат органлари инсон ҳуқуқларига риоя этиш масалалари бўйича 850 дан ортиқ сўров юборилди.

Омбудсманнинг вакиллари 2011 йилда амнистия актини қўлиниш тартиби устидан жамоат назоратини амалга ошириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қарорини рўйбга чиқариш бўйича ҳудудий комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг ишида фаол қатнашдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг 2011 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ҳам тинглаб, муҳокама қилдилар. Мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, ҳисобот йилида Хисоб палатасининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов томонидан 2011 йил 21 январда Вазирилар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган гоёт муҳим вазифалар асосида амалга оширилди.

«Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ўтган йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташқи аудитдан ўтказилди ва баҳоланди, солиқ ва бюджет сиеънатининг ҳамда 2012 йилги Давлат бюджети лойиҳасининг асосий йўналишлари экспертиза қилинди. Хисоб палатаси томонидан Давлат бюджетининг шакллантирилиши ва ижро этилиши устидан назорат ташкил этилди, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги текширилди.

Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси томонидан 42 та асосий йўналиш бўйича 116 та объектда назорат тадбирлари ўтказилди. Ушбу тадбирларнинг натижалари текшириб чиқилган вазирлик ва идораларнинг вакиллари билан ўтказилган қўшма мажлисларда ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг тавсиялари бўйича ҳисобот даври мобайнида касб-хунар коллежлари қуриш, уларни реконструкция қилиш, жорий таъмирлаш ва жиҳозлашга, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, экспортга мўлжалланган ҳамда импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқаришга, Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида янги иш ўринлари ташкил этишга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши текширилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан сенаторлар Хисоб палатасининг назорат тадбирларини қучайтиришга ва уларнинг самарадорлигини оширишга, молиявий қонунбузарликларни қисқартириш ҳамда келгусида уларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўришга қаратилган ўз тақлиф ва тавсияларини билдиридилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати саккизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кунни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.

«Матбуот тарқатувчи» АК

Жамоаси

матлақатимиз халқини
уйғониш ва яшариш, гўзаллик
ҳамда нафосат, саховат
ва мурувват рамзи бўлган

Наврўзи олам

билан
муборакбод этади!

Барга юрtdошларимизга сизгай-
саломатлик, яхши кайфият
ва омад тилайди.

Байрамингиз кўнглингиз бўлсин,
ақил юрtdошлар!

Ўзбекистон Республикасида
чоп этилаётган газета
ва журналларга обуна бўлинг!



«Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон»
компанияси меҳмондўст Ўзбекистон
элини яшариш ва янгилашни айёми —

Наврўзи олам

билан самимий табриклайди.

Наврўзингиз муборак бўлсин!

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти жамоаси

Ўзбекистон
халқини
янгилашни
ва баҳор
айёми

Наврўзи олам

билан муборакбод этади.

Баҳорий кайфият йил бўйи қалбиниизни шарқ
эмасини, ширинлик, хоширакамлик, бахту иқбол ҳамини
ҳамроҳингиз бўйсин, азиялар!



«КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда
ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Бухоро шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2011 йил 12 августдаги 2-37-11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Абдурахмон Жомий кўчаси, 15/5-уйда жойлашган сауна биноси, ва унинг ичидаги мол-мулклар мулкий мажмуа сифатида кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 526 677 015 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 26 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога кўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига

чикиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 24 апрель куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг «Турон» банки Бухоро вилояти филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Бухоро ш., Мустақиллик к., 10-уй, 4-қават. Тел.: (8-365) 223-71-36; 223-71-30. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Самарқанд вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда
ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Самарқанд шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Сергели тумани судининг 2010 йил 21 октябрдаги 1-1074/10-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Нодирабегим кўчаси, 1-«Б» уйда жойлашган қаҳвахона, офис ва савдо дўкони биноси савдога кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 222 925 576 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 24 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога кўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига

чикиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати 2012 йил 20 апрель куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг АТ «Турон» банки Самарқанд шаҳар филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609013, МФО: 00282, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд ш., Бўстонсарой к., 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

қуйдагиларни маълум қилади!

Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб, «Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 25 февралдаги 40(5460)-сон ва «Тошкент оқшоми» газетасининг 2012 йил 27 февралдаги 40(12.101)-сонда чоп этилган хабарномалари билан «КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Олмазор тумани, Себзор М-17/18-мавзеси, 12-уй, 72-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 87,80 кв.м., яшаш майдони 55,51 кв.м. бўлган уй-жой аукцион савдосидан олинганлигини маълум қиламиз.

Асос: Учтепа тумани СИБнинг 2012 йил 16 мартдаги 23286-87/15-сонли хати.

Манзилими: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«МЕҲРЛИ САВДО» ШУЪБА КОРХОНАСИ

2012 йилнинг II чорагида қуйдагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

сарйёғ, 1-категорияли музлатилган мол гўшти.

Тендер таклифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қуйдаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ниязбек йўли 7-тор кўчаси, 27-уй.
Тел.: (8-371) 237-14-94, 237-45-15. Факс: 237-14-92.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнги мuddати — 2012 йил 29 март соат 17.00 гача.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

«O'zbektelefilm» давлат унитар корхонаси жамоаси директор ўринбосари Икром Суяровга падари бузруквори
Амиркул СУЯРОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси кичик илмий ходим Ўткир Исломовага падари бузруквори
ҲОСИЛЖОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Автотрактор двигателлари ва транспорт экологияси кафедраси собиқ доцент
Ботир Раджабович ЧАҚҚОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Санъатсевар ёшларга эътибор

Чинозлик санъатсевар ёшлар байрам кунлари ажойиб совға олди. Туман марказида 14-болалар мусиқа ва санъат мактабининг барча шарт-шароитга эга муҳташам биноси фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик

Мазкур иншоотни бунёд этиш учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан қарийб 2 миллиард 300 миллион сўм сарфланди. Айтилган муассасада 370 дан зиёд иқтидорли ўқувчилар миллий мусиқа, анъанавий ижрочилик, рақс, тасвирий санъат, актёрлик каби 12 та йўналиш бўйича тахсил олмакда. Сўнгги бир йил ичида вилоятда худди шу йўналишда 4 та янги мактаб қурилган бўлса, 5 таси мукамал таъмирдан чиқарилди.

Ф. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Удумларимиз

Ёронлару ёронлар, эшитмадим демангла-ар! Эшитганлар дармонда, эшитмаган армонда! Эртага ҳам-ма Лойлиққа, Наврўз байрамига! Жарчининг овози сойдан-сойга ўтиб, барчани хушнуд қилади. Ялангқирда сурувини жодиратиб, ўзи офтобда мудраб ўтирган Қулмўмин чўпоннинг-да қулогига етади.



МАРДЛИК ВА ШИЖОАТ ИФОДАСИ

Дуруст англолмай, нима деяпти, деб қабатидаги шеригини туртади. Таёқдоши ёнбошлаганича: "Эртан Лойлиқда байрамакан, олиши билан кўпқарисиям борақан", дейди. Қулмўмин сакраб ўрнидан туради ва жарчининг ортидан қарайди. Чори жарчи кўздан гойиб бўлади ҳамки сўқмоқдан нигоҳини ўзмайди. Сўнг чўзилиб ётган ошнасида сўрайди: "Қулпиддин, байрамга Абдумурод полвон ҳам борарми-кан-а?". "Боради-боради", деб жавоб беради у.

— отилган ўқ. Уртада Қулмўминнинг изза бўлгани қолди. Ахир, кимсан — Нормўмин полвоннинг боласи, кураги ерга тегибди, деган гап ўлимдан ёмон. Шу сабаб қишлоқда бош кўтариб юролмади. Журалари билан гурунғ қилади деса, номус йўл қўймайди. Тўғриси улар қитмироқ эди: "Қоч-эй, келиб-келиб нон емасданам йиқиласанми? Туришини қара унинг, ўқловдай чиқади", дейди. Бундан Қулмўминнинг баттар ори келади, ҳафта талаб қайфияти тўғри бўлиб юради. Отаси кўради-да: "Бунчалар ғам ема, болам, мард бўл. Ҳаёт — кураш майдони. Унда мардларгина қадр топади, пойғига тоғлар эгилади, номардлар эса сув бетидеги пўкакдай гап", дейди. Отанинг далдаси Қулмўминнинг ҳовурини босади, кўнглига таскин беради. Аммо падарининг кўнглида номардларнинг дастидан

ўкинч борлигини билади. Шу боис унинг кўзига қаролмайди, елгага заранг таёқни ташлаб, Ялангқирга сурув хайдаб кетади. Мана, ярим йилки яйловдан бери келмайдими. Қишлоққа эзмайди, ҳафта оралаб отаси, укалари хабар олиб туради. Қолган маҳал Қулпиддиннинг момочалпагини эшитади, уни онаси гапга туққан, нуқул фалончининг уруғи ундай, писмадончиники бундай, у билан бу қариндош, деб гурунғ беради. Хуллас, зериктирмайди. Қўйчивонлар қош қораймасдан уйга қайтиди. Қулмўмин беҳузур, қозикда осиглик бўз желегини, белбоғ ва шалворини бирмабир кўздан кечирди — ҳаммаси бус-бутун. Эртага қишлоқнинг байрами, ахир, кейин... кейин ор учун гиламга тушади. Нима бўлади, бунинг билмайди, ҳаммаси Худога аён. Қуёш чарақлаб чиқди. Қулмўмин чавқар отда

байрамга жўнади. Лойлик дегани кенг тепалик. Халойиқ қайнайди. Бир ёнда хотин-халаж, сўл ёнда эр-каклар меҳмон кутади. Чилдирмаю чанқовулар тинмайди, юрагига ўти борлар гумбурақарсақ ўйнайди. Ана, орзиқиб ку-

учиб чиқганини билмай қолди. "Олапўстаклининг орига мен", деди. Абдумурод шундайям пинагини бузмади. Дуо босилди. Курашчилар қур айланди, қўл ташлашди, сўнг эҳтиёткорлик билан бир-бирини яқинлашди. Абдумурод полвон рақибига бир-икки яқинлашиб кўрди, аммо желакни маҳкам ушлолмади. Курашда асосий вази-фани қўл бажаради. Белбоғдан ёки ёқадан қаттиқ ушласангиз бўлди, йиқитишга имкон туғилади. Абдумурод олдан интилиб, рақибнинг ёқасидан ушлар-ушламас, унғ оёгини да чўзиб юборди. Унинг хаёли ҳам, кучи ҳам бўлинди. Пайт пойлаб турган Қулмўмин рақибнинг ёқасидан сиқиб ушлади-ю, зарб билан ўзига тортиди ва тиззасини ерга тираб, "ё пирим", деб оширма қилиб отди. "Халол, соф халол", деди бақовул овозининг борича. Давра ҳам бақовулнинг хайқирғи бақовул гур-р ўрнидан туриб, қийқиришди. "Яша, ха, кучингдан Нормўмин полвоннинг ули", дейишди одамлар. Қулмўмин рақибининг кўлидан тутиб, тургазди. Айтдики, мана шу майдон ҳақиқ, халойиқ хўрмати биз дўст, қил ўтмас ошна бўлайлик, деб кўксига босди. Сўнг елгага қўл ташлашиб даврдан чиқди...

Дўстлик ҳақидаги овоза қишлоқдан-қишлоққа тарқалди. Гурунғларда: "Наврўзимиз бор бўлсин, дўстларни, мард полвонларни халққа танитди", дейишди. Қулмўминнинг юзи отасининг ҳам, қишлоқдошларининг ҳам олдида ёруғ бўлди.

Дилмурод СОДИҚОВ.

Ишончга муносиблик масъулияти

Таэквондо машгулотларига қатнаш бошлаган олти ёшимдаёқ ҳақон миқёсидаги нуфузли мусобақаларда иштирок этишни, юрт шанини ҳимоя қила оладиган спортчи бўлиб етишишни орзу қилган эдим. Мураббийларимиз берган маслаҳат ва тавсияларга қўнғ билан амал қилиб, ўз устимда тинимсиз ишлагач, орзуим ушалди.

Фахр

Таэквондо ITF бўйича 7 карра Ўзбекистон, 2 карра Осиё чемпиони ва спорт устаси номига лойиқ бўлиш мен учун катта ютуқ. Ҳар гал голиб бўлганимда, устозларим ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилганим учун менга омад қилиб боқди, дея ич-ичимдан севи-наман. Юртимиз мадҳияси янграб, байроғимиз ба-

ланд кўтарилганида, қалбим гурурга тўлади. Мана шундай фахр-ифтихор ҳиссини туйиш ўзим каби бошқа қизларга ҳам насиб этишини истаб, лицейимизнинг спорт тўғараги қошида таэквондо машгулотларини ташкил этдик. Икки йилдирки, ушбу спорт тури бўйича мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси бўлганим боис доимий равишда маҳоратли мураббийлардан сабоқ олам. Билганларимни лицейимиз, маҳалламиз қизларига ургатайман. Машгулотларга бошчилик қилиш педагогика соҳасига қизиқишимни оширди. Келгусида малакали педагог, устозларим каби етакчи, маҳорат-

Президентимиз Фармонига мувофиқ таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлганлигим дил-имдаги умид ва мақсадларга етиш учун катта имкониятлар эшигини очди.

Менимча, ушбу нуфузли мукофотга лойиқ қўрилган ҳар бир қиз билдирилган катта ишончга муносиб бўлиш ша-раф эканлигини яхши англайди. Чунки Юртбошимиз биз, ёшларга катта ишонч билдириб, келажакимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида юксак гамхўрлик кўрсатмоқдалар. Эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи сифатида энг юқори доворларни забт этиш, ҳавас қиларли ютуқларга эришиш бизнинг Ватан олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

Малика НАРЗУЛЛАЕВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Янгиер академик лицейи битирувчиси.

Реклама ва эълонлар

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»
очиқ акциядорлик жамияти
жамоаси

серқуёш йўлкамизнинг кўп миллатли
халқини она-табиатнинг янгилиниши,
яшариши рамзи бўлмиш
кўҳна ва навқирон

Наврўз айёми
билан самимий
муборакбод этади!

Ушбу фаразли кунларда ҳар бир
хонадонга тинчлик-тотувлик, файзу
барака, тўқин-сочинлик тилаймиз!

Овоз ва обод Ватанимиз равнақи
йўлида амалга ошираётган эзгу
ишларимизда омад
ёр бўлсин!

ИПОТЕКА-БАНК

«ИПОТЕКА-БАНК»
акциядорлик тижорат ипотека банки
жамоаси

сизни баҳор айёми – Наврўз
байрами билан муборакбод этади!

Барчангизга сиҳат-саломатлик,
фаровонлик ва шодлик
тилаймиз.

Баҳорий кайфият
сизни ҳеч қачон тарк этмасин!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонуночилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирад Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 106 617 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Копият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тахрир қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди
ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов
томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оринов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусоҳахчи — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.20 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5